

ЎСПИРИНЛАРДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРГА ТОБЕЛИКНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Рахматуллаев Фарход Бахтиёр ўғли

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

E-mail: farhod93_17@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Сўнгги йилларда ўспиринлар орасида учраётган ижтимоий тармоқларга тобелик тиббиёт, психология, социология, фалсафа, педагогика соҳалари мутахассислари томонидан долзарб муаммолардан эканлиги эътироф этилмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, ўспиринлар орасида тобеликнинг бу тури йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ижтимоий тармоқларга тобе ўспиринлар шахслараро муносабатларда, ижтимоий муносабатларда, оила муҳитида бир қанча қийинчиликларга дуч келадилар. Худди шунинг учун ҳам тобеликни ўз вақтида аниқлаш, коррекция қилиш орқали кейинчалик аддиктив хулқ-атвор келиб чиқиши ва салбий оқибатларни олдини олиш мақсадга мувофиқдир.

Калит сўзлар: психология, ижтимоий тармоқ, ижтимоий сўровнома, эксперимент, ўспирин

ABSTRACT

It is recognized that subordination to social networks, which has been encountered among adolescents in recent years, is a pressing problem by specialists in the fields of medicine, psychology, sociology, philosophy, pedagogy. According to statistics, this type of subordination among adolescents is increasing from year to year. Teenagers, subject to social networks, face several difficulties in interpersonal relationships, social relationships, in the family environment. Just for this reason, it is advisable to identify the subordination in time, to prevent the occurrence of addictive behavior and negative consequences later by proofreading.


Keywords: psychology, social network, Social Survey, exprement, teen

Бугунги замонавий жамиятнинг асосий унсури ахборот технологияларининг ривожланиши бўлиб ҳисобланади. Интернет таъсири остида жамият тузилмасида турли хил ўзгаришлар рўй бермоқда ва бу олимлар учун жуда қизик мавзуга айланиб бормоқда. Бунинг сабаби интернетнинг

одамларга ва умуман жамиятга ноаниқ таъсири бўлиб, бу ҳам салбий, ҳам ижобий оқибатга олиб келиши мумкин

Эмпирик тадқиқот ишимизни энг аввало ўспиринлик давридаги синалувчиларда сўровнома ва кузатиш асосида ижтимоий тармоқларга тобеликнинг намоён бўлишини аниқлашга қаратилган тадқиқот ишлари қуйидаги кўрсаткичларни аниқлаш имкониятини берди. Маълумотлар 1-жадвалда келтирилган. “Ижтимоий тармоқларга тобелик мавжудлигининг кўрсаткичлари % ларда келтирилган”.

Биз эмпирик тадқиқотимиз давомида энг аввало ўспиринлик ёши даври синалувчиларининг маълумотларини ўргандик. Синалувчиларда сўровнома ва кузатиш асосида ижтимоий тармоқларга тобеликнинг намоён бўлишини аниқлашга қаратилган тадқиқот ишлари қуйидаги кўрсаткичларни аниқлаш имкониятини берди. Тадқиқотда 53 нафар қиз болалар (52 %) ва 49 нафар ўғил болалар (48 %) иштирок этди. Уларнинг тақсимланиши нисбатан тенг бўлганлиги сабабли, меъёрларга мос келади (1-расм). Жами 102 нафар синалувчи. Илк ўспиринлик ёши ўзлигини белгилаш ва ўз индивидуаллигини шакллантириш даври эканлигини инобатга олган ҳолда синалувчиларнинг жинсий белгиларига қараб ажратдик. Маълумотларнинг таҳлилида гендер хусусиятлар ҳам инобатга олинди.




1-расм

Тадқиқотимизда “Ижтимоий тармоқларга тобелик сўровномаси”ни ишлаб чиқиб, ўспиринлик даврининг турли хил ёшларни ўрганиб чиқдик. Тадқиқотда 14 нафар 17 ёш (12,1%), 16 нафар 18 ёш (13,8%), 30 нафар 19 ёш (25,9%), 30 нафар 20 ёш (25,9%), 12 нафар 21 ёш (10,3%)гилар ташкил қилди. Уларнинг тақсимланиши нисбатан тенг бўлганлиги сабабли, меъёрларга мос келади (1-жадвал)

1 -жадвал

Ёши	Сони	Фоизда
17,00	14	12,1
18,00	16	13,8
19,00	30	25,9
20,00	30	25,9
21,00	12	10,3
Жами	102	100,0

Олиб борилган сўровномада ижтимоий тармоқларда турли хил мавзуларни муҳокама қилишда тадқиқотчилар 2 турдаги хулқ-атворга ажратилди. Бунда ижтимоий тармоқларда фаоллигини билдирганлар 64 нафар (62,7%) ва ижтимоий тармоқларда нофаоллигини билдирганлар 38 нафар (37,3%) иштирокчини кўрсатди. Бу эса ўспиринларни ижтимоий тармоқларда кўпроқ фаоллигини кўрсатди (3-расм).



Биз томонимиздан ишлаб чиқилган сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, ижтимоий тармоқлардаги гуруҳларда (жамоаларда) янгиланишларни қанчалик мунтазам текшириб турасиз, деган саволга синалувчиларнинг 61 нафари (59,8%) тез-тез текшириб туришини, 41 нафари (40,2 %) фақат ўзига тегишлисини текширишини таъкиблаб ўтган. Бу эса ўспиринларнинг деярли ярмидан кўпи ижтимоий тармоқларда кўп вақтини ўтказишини англатади (2-жадвал).

2-жадвал

	Сони	Фоизда
тез-тез текшириб тураман	61	59,8
фақат ўзимга тегишлисини текшириб тураман	41	40,2
Жами	102	100,0

Тадқиқот жараёнида шундай натижалар қўлга киритилдики, синалувчилар ижтимоий тармоқларга куннинг биринчи ярмидан кўра, куннинг иккинчи ярмида уланишни афзал кўришар экан (4-расм).



Тадқиқотимиз мобайнида синалувчиларни қайси ижтимоий тармоқлардан кўпроқ фойдаланишини аниқлаш мақсадида олдиндан тузилган сўровномамизни ўтказдик. Ушбу сўровнома натижаларига кўра, 102 нафар синалувчиларнинг 25 нафари (24,5%) telegram ижтимоий тармоғидан, 27 нафари (26,5%) instagram ижтимоий тармоғидан, 26 нафари (25,5) you tobe ижтимоий тармоғидан, 21 нафари (20,6%) facebook ижтимоий тармоғидан, ва 3 нафар синалувчилар (2,9%) whatsapp ижтимоий тармоқларидан фойдаланишлари маълум бўлди (3-жадвал).

3-жадвал

	Сони	Фоизда
telegram	25	24,5
instagram	27	26,5
you tobe	26	25,5
whatsapp	3	2,9
facebook	21	20,6
Итого	102	100,0

Тадқиқот жараёнида 102 нафар синалувчи иштирок этди. Уларнинг ёши 17 ва 21 ёш атрофида. Ўртача ёш 18,6 ни ташкил қилди, стандарт оғиш 2,49 га тенг.

Ушбу тадқиқот ишимизнинг психодиагностик имкониятлари ҳам жуда кенг ҳисобланади ва диссертацион ишимизнинг асосий методикалари сифатида қуйидаги методикалардан фойдаландик. Булар А.А.Реан ва В.А.Якуниннинг

Н.Ц.Бадмаева томонидан модификация қилинган “Талабаларнинг ўқишга оид мотивациясини ташҳис қилиш учун методикаси”, Н.Н.Обозовнинг темперамент типларини ўрганиш методикаси, А.Асингернинг агрессияни диагностика қилиш методикаси ҳамда Айзенк тест сўровномаси асосида тузилган қобилиятни аниқлаш методикалари.

Юқорида келтирилган методикалар 102 нафар ўспирин синалувчиларда ўтказилди ва бирламчи натижалар олинди.

Тадқиқотимиз жараёнида ижтимоий тармоқларда фаоллар орасида қиз болаларда ўғил болаларга нисбатан агрессия даражаси юқорилиги кузатилди

Тадқиқотимиз жараёнида қиз болаларда ўғил болаларга нисбатан агрессия даражаси юқорилиги кузатилди. Бунда 17-21 ёшдаги йигит ва қизларнинг агрессияни ифодалаш усулларида жинс ва ёш фарқлари мавжудлигини қайд этиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Агеев В.Н. Человеко-компьютерное взаимодействие: концепции, процессы, модели. – М.: Мир книги, 1995
2. Александров В.В. Интеллект и компьютер. – СПб.: Анатолия, 2004
3. Bogacheva N.V. Kompyuter o'yinlari va geymerning kognitiv sohasining psixologik o'ziga xosligi // Moskva universiteti xabarnomasi. 14-seriya. Psixologiya. - 2014. - № 4. - P. 120-130.
4. Nayitov O.E. Psixodiagnostika. O'quv qo'llanma. T.2007-y
5. Рахимова И.И. Компьютер ўйинларига тобеликнинг психологик хусусиятлари: Психол. ф. н. ... дис. автореф. – Т.: ЎзМУ, 2018